

Оқила қиз



08:00 / 23.12.2018 4640

Асмо бинт Абу Бакр розияллоху анхумо айтади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам Маккадан Мадинага жўнаб кетаётганларида отам Абу Бакр Сиддиқ бор пулини ўзи билан олиб кетди. Пуллар беш ёки олти минг динор эди. Шунда кўзи ожиз бўлиб қолган бобом Абу Қухафа олдимга келиб, “Отанг ўзи ҳам кетиб, пулларини ҳам олиб кетиб, сизларни қийнаб қўйдия,” деди. Мен: “Йўқ, ундай эмас. Отам бизга анча нарса қолдириб кетди”, дедим ва майда тошларни йиғиб, уларни уйнинг деворидаги тешикка қўйдим-да, устини кийимим билан ёпдим. Кейин бобомнинг қўлидан ушлаб, тош устига ёпилган кийим устига қўйдим-да, “Бизга қолдириб кетганлари мана шу!” дедим. Бобом: “Ҳа, буларни қолдириб кетган бўлса, унда яхши”, деди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан